

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.30.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ТЎРАЕВ БАҲОДИР ШЕРАЛИ ЎҒЛИ**

**ЭРКАКЛАР БЕПУШТЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА  
БИРЛАМЧИ ВА ИККИЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА  
ТАДБИРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.07-Гигиена**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

УЎК: 616.997:618.177-07 (575.1-25;575.111)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Тўраев Баходир Шерали ўғли**

Эркақлар бепуштлигини олдини олиш

бўйича бирламчи ва иккиламчи профилактик

чора тадбирларни такомиллаштириш ..... 3

**Тураев Баходир Шерали угли**

Совершенствование первичных и вторичных

профилактических мероприятий по предотвращению

мужского бесплодия ..... 25

**To‘rayev Bahodir Sherali o‘g‘li**

Improving primary and secondary preventive measures

to prevent male infertility ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.30.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ТЎРАЕВ БАҲОДИР ШЕРАЛИ ЎҒЛИ**

**ЭРКАКЛАР БЕПУШТЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА  
БИРЛАМЧИ ВА ИККИЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА  
ТАДБИРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.07-Гигиена**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Tib3228 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маматқулов Баҳромжон**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Камилова Роза Толановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Тўхтаров Баҳром Эшназарович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бошқирдистон давлат тиббиёт  
университети  
(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ф.И. Саломова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бепуштликнинг тарқалганлиги турли минтақалар ўртасида фарқ қилиб, нисбатан паст кўрсаткич Шарқий Ўртаер денгизи ҳудудида (4,4-15,7%) қайд қилинган бўлса, энг юқори кўрсаткич Африка минтақасида (11,7-24,5%) кузатилади. Умуман олганда «...бепуштлик ўртача 10-15% оилаларда учрайди ва бунда ўртача 50% ҳолатларда муаммо эркаклар репродуктив саломатлигидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади...».<sup>1</sup> Эркаклар бепуштлиги ривожланган давлатлар билан бир қаторда, ривожланаётган давлатларда ҳам ортиб бормоқда. Эркаклар репродуктив тизимига таъсир қилувчи омиллар турли хил бўлиб, улар тиббий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик шароитларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Эркаклар бепуштлиги оилаларнинг ажримига сабаб бўлиши, эркакларнинг оилада ва жамиятда руҳий ноқулайликларга олиб келиши сабабли жиддий ижтимоий муаммо ҳам саналади. Шунинг учун эркаклар бепуштлигини олдини олиш ва профилактик чора-тадбирларни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш тиббиёт олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда эркаклар бепуштлигини олдини олиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада эркаклар бепуштлигининг клиник жиҳатларини чуқур ўрганиш орқали даволаш ва ташхислаш усуллари такомиллаштириш, ёрдамчи репродуктив технологияларни ривожлантириш, даволаш усуллариининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш орқали даволаниш имкониятини ошириш, репродуктив саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни сифатли ва самарали ташкиллаштириш, кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг оммабоплигини таъминлаш учун эса эркаклар бепуштлигининг тарқалганлигини ўрганиш, уларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича кўрсатилаётган тиббий ёрдамни ташкиллаштиришни оптималлаштириш ва тизимлаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аёллар репродуктив саломатлигини сақлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда эркакларнинг репродуктив саломатлигини бузилишига сабаб бўлувчи омилларни ўрганиш, бепуштликни эрта аниқлаш, профилактика ва даволаш ишларини ўз вақтида, самарали ва сифатли

<sup>1</sup> Infertility prevalence estimates, 1990-2021. World Health Organization 2023.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ташқиллаштириш бўйича илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бепуштлиқ билан касалланиш аҳолининг турмуш тарзи, тиббий маданияти, экология каби қатор омилларга боғлиқ ҳолда турли ҳудудларда бир-биридан фарқ қилади. Бугунги кунда эркалар репродуктив саломатлигига кўплаб омиллар салбий таъсир кўрсатиши маълум. Ноқулай ташқи муҳит омиллари, ҳавода тарқалган зарарли моддалар, носоғлом овқатланиш, ортиқча тана вазни, кам ҳаракатли турмуш тарзи, тартибсиз жинсий ҳаёт каби қатор омиллар эркалар бепуштлигини ортишига сабаб бўлади (Окопoвa F.E., 2022). Эркалар бепуштлигини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида олиб борилмоқда, айниқса бу масалага аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ муаммолари бор давлатлар катта аҳамият бермоқда. Эркалар бепуштлигининг генетик жиҳатлари (Альхеджой X.M., 2021), микронутриентларнинг етишмаслиги (Сатыбалдин Д.А., 2022), турмуш тарзи ва ташқи муҳит омилларини эркалар фертиллигига таъсирини (Biggs S.N. et al., 2023) ўрганишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда эркалар бепуштлигини ўрганишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, буларда асосан бепуштлиқнинг клиник жиҳатларига ёндашилиб, даволаш чора-тадбирларига кўпроқ урғу берилган. Жумладан иссиқ иқлимли минтақаларда эркалар бепуштлигини ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллаш ёрдамида даволаш (Асадов Ҳ.Д., 2008), аҳолининг репродуктив шаклланиши (Бекбаулиева Г.Н., 2009), жинсий йўл билан юқадиган касалликларни эркалар репродуктив тизимига таъсири (Ваисов И.А., 2006; 2017), эркалар жинсий саломатлиги бузилишларини комплекс ташхислаш ва даволаш (Маҳмудов А.Т., 2016) усуллари, эркалар репродуктив функцияси ва жинсий бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик қирралари (Иргашев Д.С., 2023) ўрганилган. Эркалар бепуштлигининг тарқалганлик даражаси фақат

даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат қилган беморлар асосида тузилган ҳисобот шаклида таҳлил этилмоқда. Хусусий секторни ривожланиши репродуктив саломатлиги билан боғлиқ муаммолари бўлган эркакларнинг даволаш учун турли тиббиёт муассасаларига мурожаат қилиш имконини берди, бу эса касалликни тўлиқ рўйхатга олиш имкониятларини чеклаб, ҳақиқий эпидемиологик, географик тасвирини ифодалашга тўсқинлик қилмоқда.

Фақатгина комплекс ижтимоий-гигиеник ва эпидемиологик тадқиқотларгина бепуштликнинг учраш даражаси, шунингдек, касалликни келтириб чиқарувчи омиллар ва сабабларни аниқлаш имконини беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг табиий шарт-шароитлари, урф-одатлари, маданияти, турмуш тарзи, турмуш шароитлари ва қадриятларини инобатга олган ҳолда эркакларда бепуштликнинг тарқалганлигини, уларга сабаб бўлувчи хавф омилларини чуқур ўрганиш, профилактик ишларни самарадорлигини ошириш, бепушт эркакларга кўрсатилаётган тиббий хизматни янада яхшилаш учун мажмуавий, тизимли ижтимоий-гигиеник тадқиқотлар олиб бориш ва улар асосида эркаклар саломатлиги сақлаш, бепуштликни олдини олишга қаратилган кенг қамровли дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800233 «Ўзбекистон Республикаси аҳоли саломатлигини, яшаш муҳитини муҳофазалаш, яхшилаш, хавф омилларини аниқлаш ва тиббий-профилактик ёрдамни такомиллаштириш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эркаклар бепуштлигининг тарқалганлиги, унга таъсир этувчи хавф омилларини мажмуавий ўрганиш, бепуштликни олдини олишга қаратилган кенг қамровли тизимли профилактика чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оилалар орасида бирламчи ва иккиламчи бепуштликнинг тарқалганлиги ва уларнинг гендер хусусиятларини баҳолаш;

репродуктив саломатлигида муаммолари бўлган эркакларга кўрсатилаётган тиббий-профилактик ёрдамни баҳолаш ва таҳлил қилиш;

бепуштликка чалинган эркакларнинг турмуш тарзи, яшаш ва меҳнат шароитларини ўрганиш ҳамда репродуктив саломатликка таъсир қилувчи етакчи хавф омилларни аниқлаш ва баҳолаш;

бепуштликни ривожланиши бўйича хавф гуруҳига кирувчи эркакларни эрта аниқлаш имконини берувчи прогностик жадвални ишлаб чиқиш, эркаклар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2020-2022 йилларда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат қилган оилаларнинг бепуштликка чалинган 300 нафар ва 300 нафар соғлом эркаклари, Тошкент шаҳрининг 2267 (шаҳар) ва Қашқадарё вилояти Қарши туманининг 2290 та (қишлоқ) оилалари, оилавий поликлиникаларда ишловчи оилавий шифокорлар ва патронаж ҳамширалари, уролог/андролог шифокорлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** фарзандсиз оилалар, эркаklar бепуштлигининг тарқалганлиги, беморлар ва назорат гуруҳидагиларнинг турмуш тарзи ва яшаш шароитлари, эркаklar бепуштлигига таъсир қилувчи хавф омиллари, бирламчи тиббий ёрдам муассасаларида ишловчи оилавий шифокорлар, урологлар ва патронаж ҳамшираларининг бепуштликни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган фаолиятлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Эркаklar бепуштлигини тарқалганлиги, хавф омиллари, тиббиёт ходимларининг фаолиятларини баҳолашда эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, социологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сперматозоидлар миқдорининг пасайиши ва болалик давридаги эпидемик паротит, жисмоний ривожланишнинг кечикиши, ҳайвон оксиленинг етишмаслиги, иш жойида 3,4-бензпирен ва бисфенол А таъсири ўртасида боғлиқлик исботланган;

полициклик ароматик углеводородли ифлослантирувчи моддалар билан сурункали нафас олиши уруғ суюқлигида ушбу ифлослантирувчи моддаларнинг метаболитлари миқдорининг ортиши билан боғлиқ бўлиб, уруғ суюқлиги сифатининг пасайишига, жумладан сперматозоидларнинг ҳаётлиги ва ҳаракатчанлигининг пасайишига олиб келиши исботланган;

эркаklar бепуштлигининг етакчи хавф омилларини баҳолаш учун прогностик жадвал, хавф диапазонлари бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда ўтказиладиган индивидуал ва гуруҳли профилактика чора-тадбирлари самарадорлигини баҳоловчи ва гигиеник хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-функционал модел ишлаб чиқилган;

эркаklarда бепуштлик билан касалланиш даражасини камайтириш, тиббий ёрдам кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этиш ва ўз навбатида эркаklarнинг репродуктив саломатлигини сақлашга қаратилган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини берувчи профилактика чора-тадбирлари самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эркаklar бепуштлигини бирламчи ва иккиламчи профилактикасини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли мажмуавий дастурни БТСЁ муассасаларига татбиқ этиш эркаklar бепуштлигини эрта аниқлаш, камайтириш ва олдини олиш имконини берган;

прогностик жадвални БТСЁ муассасаларида фаолият олиб борувчи оилавий шифокорлар фаолиятида қўллаш хавф гуруҳига кирувчилар ва беморларни барвақт фаол аниқлаш, диспансер назоратига олиш, гуруҳли

индивидуал режа асосида дифференциаллашган комплекс даволаш-профилактик тадбирларни амалиётга татбиқ этиш имконини берган;

эркаклар бепуштлигини бирламчи ва иккиламчи профилактикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этиш БТСЁ муассасалари фаолиятида тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини ошириши амалий далиллар асосида исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, социологик ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар, хулосалар ва таклифлар Ўзбекистонда эркаклар бепуштлигини тарқалганлигини камайтиришда, уларни барвақт аниқлашда, бирламчи ва иккиламчи профилактикасини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши, беморларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган услубий тавсиянома ва электрон дастурий таъминотни амалиётга татбиқ қилиш эркаклар бепуштлигига олиб келувчи хавф омилларининг организмга таъсирини баҳолаш ва уни прогностлаш имконини бериши, хавф гуруҳларини ажратиб олиш ва хавф даражасига қараб касалликни эрта аниқлаш, унинг бирламчи ва иккиламчи профилактикасининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи тизимли ёндашувга асосланган комплекс чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эркаклар бепуштлигини олдини олиш бўйича бирламчи ва иккиламчи профилактик чора тадбирларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгиллик:* сперматозоидлар миқдорининг пасайиши ва болалик давридаги эпидемик паротит, жисмоний ривожланишнинг кечикиши, ҳайвон оқсилининг етишмаслиги, иш жойида 3,4-бензпирен ва бисфенол А таъсири ўртасида боғлиқлик исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 22 августда 8п-р/897-сон билан тасдиқланган «Эркаклар репродуктив саломатлигига таъсир қилувчи хавф омиллар ва уларни интеграл баҳолаш» номли услубий тавсияномада акс эттирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 11.08.2023 йилдаги 28-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 19.08.2023 йилдаги 115/1-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/75-сон

хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фарзандсиз оилаларни камайтиришга, фарзанд кўрмаётган оилаларни руҳий қўллаб-қувватлаш ва ён атрофидагилар олдида ўзини ноқулай ҳис қилиш ҳолатларини бартараф қилишга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* бепуштликни ривожланишига таъсир қилувчи омилларни, эркаклар бепуштлигининг тарқалганлигини билиш хавф омилларни тўғри баҳолаш орқали оилавий ҳаётнинг дастлабки ойларида аёли ҳомиладор бўлмаганлиги сабабли асоссиз тиббий ёрдамга мурожаат қиладиган ва даволанадиган оилаларнинг улушини шаҳарларда 5,05% дан 2,8% гача камайтириш натижасида аҳоли орасида янги қурилган ҳар 100 та оилага йилига 2925000 сўм маблағлар иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* полициклик ароматик углеводли ифлослантирувчи моддалар билан сурункали нафас олиши уруғ суюқлигида ушбу ифлослантирувчи моддаларнинг метаболитлари миқдорининг ортиши билан боғлиқ бўлиб, уруғ суюқлиги сифатининг пасайишига, жумладан сперматозоидларнинг ҳаётлиги ва ҳаракатчанлигининг пасайишига олиб келиши исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 22 августда 8п-р/897-сон билан тасдиқланган «Эркаклар репродуктив саломатлигига таъсир қилувчи хавф омиллар ва уларни интеграл баҳолаш» номли услубий тавсияномада ўз аксини топган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 11.08.2023 йилдаги 28-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 19.08.2023 йилдаги 115/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/75-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тиббий ёрдамга мурожаат қилган эркакларда астенозооспермия ва олигоспермия аниқлангани ушбу эркакларда фарзанд кўриш билан боғлиқ муаммо борлигини кўрсатади. Никоҳдан олдин бепуштликни аниқлаш эркакларни насл қолдириш имконияти чекланганлигини тўғри қабул қилиш учун руҳий тайёрлаш, уларни касбий ва ижтимоий мослаштириш, қолаверса фарзандсизлик сабабли оилалар ажралишларини олдини олишни таъминлайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* оила қурмаган эркаклар орасида хавф омиллари баҳоланганда юқори хавф гуруҳига кирувчи ёшларга спермограмма кўрсаткичларини аниқлаш зарурлиги тушунтирилгандан сўнг ихтиёрий равишда таҳлил топширган 23 нафар эркакларнинг 14 тасининг спермограмма кўрсаткичларида турли патологиялар борлиги аниқланди. Уларнинг барчаси оила қуришдан олдин даволаш муолажаларини олишга ва соғлом меҳнат ва турмуш тарзини олиб боришга қарор қилишди. Эркакларнинг оила қуришдан олдин спермограмма таҳлилларини олиб боришлари, патологик ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш никоҳдан кейин рўй бериши мумкин бўлган ажримларни олдини олиш натижасида ҳар бир ҳолат учун 118310000 сўм маблағлар иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* эркаклар бепуштлигининг етакчи хавф омилларини баҳолаш учун прогностик жадвал, хавф диапазонлари бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда ўтказиладиган индивидуал ва гуруҳли

профилактика чора-тадбирлари самарадорлигини баҳоловчи ва гигиеник хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-функционал модел ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 22 августда 8п-р/897-сон билан тасдиқланган «Эркаklar репродуктив саломатлигига таъсир қилувчи хавф омиллар ва уларни интеграл баҳолаш» номли услубий тавсияномада баён этилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 11.08.2023 йилдаги 28-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 19.08.2023 йилдаги 115/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/75-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* репродуктив саломатликка таъсир қилувчи етакчи хавф омилларни аниқлаш ва у асосида ишлаб чиқилган прогностик жадвал орқали эркаklarни репродуктив саломатлик ҳолатини баҳолаш эркаklarнинг бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида репродуктив саломатликни сақлашга қаратилган фаолиятидан қониқиш даражасини ортишига олиб келди. *Иқтисодий самарадорлиги:* эркаklarни репродуктив тизимига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш орқали оила қурганига 2 йилгача вақт ўтган ва фарзандсизлик сабабли даволанмоқчи бўлган эркаklarнинг 36 % хавф паст бўлган гуруҳга кириши аниқланди. Бундай ҳолатларда уларни эркаklar бепуштлигини аниқлаш учун чуқур текширув олиб боришга эҳтиёж бўлмайди ва текширув харажатлари иқтисод қилиб қолинади. Оилавий ҳаёт давомийлиги 2 йилдан ошмаган ва ушбу даврда фарзанд кўрмаган оилаларнинг 36% эркаklари паст хавф гуруҳига кириши натижасида ҳар 100 та шундай оилага нисбатан 14199000 сўм маблағлар иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* эркаklarда бепуштлик билан касалланиш даражасини камайтириш, тиббий ёрдам кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этиш ва ўз навбатида эркаklarнинг репродуктив саломатлигини сақлашга қаратилган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини берувчи профилактика чора-тадбирлари самарадорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 22 августда 8п-р/897-сон билан тасдиқланган «Эркаklar репродуктив саломатлигига таъсир қилувчи хавф омиллар ва уларни интеграл баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 11.08.2023 йилдаги 28-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 19.08.2023 йилдаги 115/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/75-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* эркаklar бепуштлигини бирламчи профилактикасини олиб бориш эркаklarнинг ҳаёт сифатини яхшилаб, оиладаги ва жамиятдаги мавқеини сақлаб туришини таъминлайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* эркаklar орасида бепуштликка олиб келиши мумкин бўлган омилларни бартараф этиш орқали ўрганилган 100 нафар эркаklarдан 7 тасида хавф омилларини бартараф этишга ва бунинг

натижасида эҳтимолий бепуштликни даволаш учун сарфланадиган 9500000 сўм маблағлар иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида муаммонинг долзарблиги ва олиб борилган илмий тадқиқотларнинг зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари белгиланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот Республикада амалга оширилаётган фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, чоп этилган ишлар ва Диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эркаклар бепуштлигининг тарқалганлиги, хавф омиллари беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда бепуштликнинг тарқалганлиги, оилаларда фарзанд кўриш муаммосида эркакларнинг улуши баён этилган. Бундан ташқари касалликнинг келиб чиқишига таъсир этувчи хавф омиллари, уларни олдини олиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, беморларга тиббий ёрдамни ташкил этишнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган ва эркаклар бепуштлигининг келтириб чиқарувчи хавф омиллар, репродуктив саломатлигида муаммолари бўлган эркакларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш аҳолининг ва ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва тиббий-гигиеник шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгариши сабабли республикамизда эркаклар бепуштлигига сабаб бўлувчи хавф омилларни ҳамда эркакларга кўрсатилаётган урология/андрология хизматининг сифати ва самарадорлигини ўрганиш бўйича кенг қамровли тизимли тадқиқотларни олиб бориш долзарб вазифа эканлиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Эркаклар бепуштлигининг тарқалганлиги, хавф омиллари ва репродуктив саломатликни сақлаш бўйича тиббий ёрдамни**

**Ўрганиш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида, фарзандсиз оилаларнинг ва эркаклар бепуштлигининг тарқалганлиги, касаллик ривожланишининг хавф омиллари, беморларнинг турмуш тарзи, беморларнинг даволаниш маршрутлари, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизмат ҳолати ўрганишда қўлланиладиган тадқиқот усуллари хусусиятлари келтирилган.

Тадқиқот мақсади ва унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун тадқиқот 4 босқичда олиб борилди:

1 босқич – Ўзбекистон Давлат статистика кўмитасининг статистик тўпламлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди. Оилалардаги фарзандлар сони, фарзандсиз оилаларнинг тарқалганлиги Қашқадарё вилояти Қарши тумани (2290 та) (қишлоқ) ва Тошкент шаҳрида (2267 та) (шаҳар) оилаларида сўровнома ўтказиш орқали ўрганилган. Булар “Фарзандсиз оилаларнинг тарқалганлигини ўрганиш анкетаси”да қайд қилинди. Ушбу маълумотлар асосида юртимизда фарзандсиз оилаларнинг, эркаклар бепуштлигининг тарқалганлигининг айрим хусусиятлари таҳлил қилинди (Ёлпасига кузатиш, статистик кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил этиш).

2 босқич – Эркаклар бепуштлигининг хавф омиллари Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат қилган жуфтликларнинг эрлари тасодифий-механик усулда танлаб олиниб, уларнинг амбулатор карталари маълумотларидан кўчирмалар олиб ўрганилган. Ҳодиса-назорат тадқиқот усулини қўллаган ҳолда 300 нафар фарзанд кўриш ниятида тиббий ёрдамга мурожаат қилган ва спермограммасида патологик ўзгаришлар аниқланган ва 300 нафар соғлом эркаклар сўров-интервью йўли билан ўрганилди. Олинган маълумотлар «Эркакларнинг репродуктив саломатлигининг ижтимоий-гигиеник қирраларини ўрганиш учун сўровнома»га киритилди ва таҳлил қилинди ва эркаклар репродуктив саломатлигига таъсир қилувчи етакчи хавф омиллар аниқланди.

3 босқич – Эркакларга репродуктив саломатликни сақлаш бўйича кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни ўрганиш учун оилавий поликлиникаларда фаолият олиб борувчи оилавий шифокорларнинг фаолияти, урологлар билан таъминланганлик, беморларнинг даволаниш маршрутлари, урология/андрология хизматидан фойдалана олиш имкониятлари, урология/андрология ёрдамни кўрсатувчи давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларининг хизмат нархлари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

4 босқич – Эркаклар бепуштлигини келиб чиқишига таъсир қиладиган ижтимоий-гигиеник ва тиббий-биологик омилларнинг ролини баҳоловчи прогностик жадвал ишлаб чиқилди ва ушбу жадвал ёрдамида аниқланган хавф гуруҳларига нисбатан касалликни камайтиришга қаратилган индивидуал, гуруҳли дифференциаллашган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотда ўрганилган ҳолатларни қонуниятларини очиб беришда нисбий ва ўртача қийматлар аниқланди, нисбий ва ўртача қийматлар хатоликлари топилди. Танланган мажмуа хусусиятларини таққослашда


имкониятлар нисбати кўрсаткичларини ҳисоблаш, фарқлар ишончилигини баҳолашда t-Стъюдент,  $\chi^2$ -мослик мезонлари қўлланилди. Кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликлар Пирсоннинг жуфт корреляция усулида баҳоланди.

Шундай қилиб, қўлланилган мажмуали тадқиқот усуллари эркакларнинг репродуктив саломатлик ҳолати, турмуш шароити ва тарзи, касалликка олиб келувчи хавф омилларини, урология/андрология хизматини ҳолатини ўрганиш учун етарли даражада имкон берди.


Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида мавжуд демографик вазият ва фарзандсиз оилаларнинг тарқалганлиги» деб номланган учинчи бобида мамлакатимизда мавжуд демографик ҳолат ва бунга бепуштликнинг таъсири баҳоланган.

Республикаимизда туғилишнинг йиғинди коэффиценти (бир аёлга тўғри келадиган болалар сони) 2021 йилда шаҳарларда 2,9 ни ташкил қилган бўлса, қишлоқларда 3,4 га тенг бўлган ва бу аҳоли сонининг бир хил даражада сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган энг паст кўрсаткичга (камида 2,1 га тенг бўлиши керак, В.Н.Архангелский ва бошқалар) қараганда сезиларли даражада юқори бўлиб, мамлакатимиз аҳолисини йилдан-йилга ошиб боришини таъминлаб бермоқда.

Расмий статистик маълумотларнинг таҳлили республика бўйича эркаклар бепуштлиги даражаси нисбатан паст эканлигини ва у тартибсиз ҳолатда кўпайиб, камайиб турганлигини кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Бепуштлик билан касалланиш кўрсаткичлари, расмий статистик маълумотлар (100 минг катта ёшли аҳолига нисбатан)



**2-расм. Республика ва вилоятлар кесимида эркаклар бепуштлигининг тарқалганлиги (100 000 аҳолига нисбатан, 2019 йил).**

Эркаклар бепуштлигининг тарқалганлиги Жиззах, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида республиканинг ўртача кўрсаткичларидан деярли 2,5-3 баробарга юқори. Фарғона вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида эса бунинг аксини кўриш мумкин. Жиззах ва Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Андижон каби ёндош ҳудудларнинг иқлими, урф-одатлари, маданияти ўхшаш бўлиши, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси деярли бир хил бўлишига қарамасдан эркаклар бепуштлиги билан касалланиш кўрсаткичларнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши статистик маълумотларнинг ишончли эканлигига шубҳа уйғотади (2-расм).

### 1-жадвал

**Оила қургандан биринчи фарзанд дунёга келгунгача бўлган вақт ва шу даврда тиббий ёрдамга мурожаат қилганлар (%)**

Оила қурган вақтдан биринчи фарзанд туғилишигача ўтган вақт (йилларда)	Шаҳар оилалари %	Қишлоқ оилалари %
2	83,9±0,83	88,3±0,71
3	12,9±0,76	9,3±0,65
4	2,0±0,32	1,6±0,28
5	0,9±0,2	0,7±0,19
6≤	0,2±0,1	0,1±0,07
<b>Жами</b>	100	100

Республикамизда янги тузилган оилалар дастлабки йилларданок фарзанд кўришни режалаштиришади. Тадқиқот даврида шаҳарларда 86,9±0,70%, қишлоқларда 88,4±0,67% оилаларнинг фарзандлари борлиги аниқланди. Оила қурган вақтдан биринчи фарзанд дунёга келишигача бўлган муддатларни таҳлил қилганимизда 1-жадвалда келтирилган маълумотларни олдик.

“Фарзанд кўриш ниятида тиббий ёрдамга мурожаат қилганмисиз” деган саволга оила қургандан бир йил ичида фарзанд кўрганлардан никоҳнинг дастлабки ойларида аёли ҳомиладор бўлмаганлиги сабабли шаҳарларда 6,3±0,55%, қишлоқларда эса 3,8±0,43% оилалар тиббий ёрдамга мурожаат қилишган, яъни бу борада шаҳарда истиқомат қилувчилар қишлоқ жойларда яшайдиганларга нисбатан 1,65 баробарга кўпроқни ташкил қилди ( $t=3,6$ ,  $p<0,001$ ). 2 йил ичида фарзандли бўлмаганлар орасида эса бу нисбат кескин ортиб мос равишда 86,3±0,77% ва 77,4±0,93% ни ташкил қилди. 2 йил ичида фарзанд кўрмаганларнинг барчаси кейинги давр мобайнида тиббий ёрдамга мурожаат қилишган. Қишлоқ ва шаҳар жойларда биринчи фарзандни туғилишида ўзига хос фарқ бор. Оила қурилгандан сўнг биринчи йилда фарзанд кўрган оилалар улуши шаҳардаги оилаларга нисбатан қишлоқларда юқорироқ, кейинги йилларда эса бунинг акси ( $\chi^2=17,9$ ,  $n^5$ ,  $p<0,01$ ).

Фарзанди йўқ оилаларнинг никоҳ давомийлиги ўрганилганда шаҳар ва қишлоқларда мос равишда 1,94 ва 1,91 йилни ташкил қилди(2-жадвал).

## 2-жадвал.

### Шаҳар ва қишлоқларда фарзанд кўрмаган жуфтликларнинг оилавий ҳаёт давомийлиги

Оилавий ҳаёт давомийлиги (йилларда)	Оилалар (%)	
	Шаҳар	Қишлоқ
1	54,8±2,88	56,6±3,04
2	23±2,44	22,1±2,54
3	8,9±1,65	6,6±1,52
4	5,9±1,36	8,2±1,68
5	3±0,99	2,5±0,96
6	2,2±0,85	2,5±0,96
7	2,2±0,85	1,6±0,77
<b>Жами</b>	100,0	100,0

Тадқиқотга жалб қилинган оилаларнинг 74,6±2,5% жуфтликларда бирламчи, 25,4±2,5%ида эса иккиламчи бепуштлик эканлиги аниқланди. Бу оилаларда эркакларнинг репродуктив саломатлик ҳолатини ўрганиш учун уларнинг спермограмма таҳлиллари ўтказилганда 38,7% нормоспермия, 24,1% нормоспермия яллиғланиш белгилари билан, 17,1% астеноспермия, 14,3% олигоспермия, 5,8% азооспермия аниқланди.

Шундай қилиб, Республикамизда фарзандсиз оилалар ўртача 12,3%ни ташкил этиши, улардан 74,6%и бирламчи бепуштлик ва 25,4%и иккиламчи бепуштликни ташкил қилиши исботланган.

Диссертациянинг «**Эркакларнинг репродуктив саломатлигига таъсир қилувчи хавф омиллар ва уларни интеграл баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида эркаклар бепуштлигига чалинган беморларнинг турмуш тарзи ва шароитини, касалланишнинг тиббий-ижтимоий қирраларини, беморларнинг саломатлик ҳолатини, уни келтириб чиқарувчи хавф омилларини ўрганиш натижасида ва тизимли ёндашув асосида эркаклар бепуштлигини камайтириш, олдини олиш бўйича касалликнинг илмий асосланган бирламчи ва иккиламчи профилактикасига қаратилган чоратadbирлар мажмуасини акс эттирилган.

Ўрганилган иккала гуруҳларда ҳам ўрта ва ўрта махсус билимга эга бўлган эркаклар кўпчиликни ташкил қилди. Спермограммасида ўзгаришлар бўлган эркаклар орасида олий маълумотга эга бўлганлар соғломларга қараганда 1,6 марта кам, ўрта махсус маълумотга эга шахслар эса 1,3 мартаба кўп учради. Инсонларнинг маълумот даражаси бепуштликка сабаб бўлиши мумкин деган ғоя статистик жиҳатдан ўз тасдиғини топмади ( $\chi^2=5,706$ ,  $n'=2$ ,  $p=0,058$ ).

Ҳодиса гуруҳидаги эркаклар орасида ўзининг моддий таъминотини жуда паст деб ҳисоблайдиганларнинг улуши  $3,0\pm 1,1\%$ ни ташкил қилди ва бу назорат гуруҳидагиларга қараганда 1,3 баробарга юқори. Ҳодиса гуруҳидагилар орасида назорат гуруҳидагиларга қараганда моддий таъминотини паст ва жуда паст деб ҳисоблайдиган эркаклар кўпроқ учради ( $\chi^2=16,816$ ,  $n'=4$ ,  $p<0,01$ ).

Яшаш шароити комплекс баҳоланганда аъло ва яхши шароитда яшовчилар ҳодиса ва назорат гуруҳларида кескин фарқ қилмасида қониқарли шароитда яшовчилар назорат гуруҳида ҳодиса гуруҳига қараганда 2,6 марта кам учраши аниқланди ( $p<0,05$ ).

Назорат гуруҳидагилар орасида умуман ичмайдиганлар ҳодиса гуруҳига қараганда 1,4 баробарга кўп. Тамаки маҳсулотларини чекиш ҳодиса гуруҳидагиларда  $38,7\pm 2,8\%$ , назорат гуруҳидагиларда эса  $30,6\pm 2,6\%$  ташкил этди. Таҳлиллар чекиш ва патоспермия ўртасида статистик ишончли боғлиқлик борлигини кўрсатди ( $p=0,040$ ). Шу ўринда айтиб ўтиш керакки чекадиганларнинг  $84,6\pm 2,5\%$  спиртли ичимликлар ҳам истеъмол қилишади, яъни бир нечта зарарли омилларнинг биргаликда таъсирини кузатишимиз мумкин.

Меҳнат шароити билан боғлиқ хавф омилларини ўрганиш натижасида юқори ва паст ҳарорат, тебранишнинг (вибрация) юқорилиги, ҳавонинг чанг ва газлар билан ифлосланиши, узоқ вақт давомида ўтириб ишлаш, кимёвий моддалар ҳамда бошқа омилларнинг таъсири баҳоланди. Ҳодиса гуруҳидаги эркакларнинг  $52,0\pm 2,9\%$ , назорат гуруҳидагиларнинг эса  $69,7\pm 2,7\%$  иш шароити билан боғлиқ зарарли омиллар йўқлигини билдиришди. Касбий фаолият билан боғлиқ зарарли омиллар орасида узоқ вақт давомида ўтириб ишлаш эътиборни жалб қилади (ҳодиса гуруҳида  $21,0\pm 2,3\%$  ва назорат гуруҳида  $10,3\pm 1,8\%$ ). Иш жойида 3,4 бензпирен ва бесфенол А миқдори меъёрдан юқори бўлганларда астенозооспермия ва олигоспермия ривожланиш хавфи юқори бўлиши аниқланди (имкониятлар нисбати мос равишда 2,4 ва

2,1). Меҳнат фаолияти полициклик ароматик углеводородлар таъсири остида бўлувчи касб эгаларининг спермограммасида А+Б сперматозоидларининг ўртача улуши назорат гуруҳидагиларга қараганда 38% пастроқ эканлиги кузатилди. Олинган маълумотларни статистик таҳлил қилиш касбга боғлиқ зарарли омиллар репродуктив саломатликка салбий таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатади (ИН=2,03,  $p<0,01$ ).

Ҳодиса гуруҳидагиларнинг 29,7%, назорат гуруҳидагиларнинг эса 15,3%ида варикоцеле аниқланган. Варикоцеленинг 1 даражаси иккала гуруҳларда ҳам деярли бир хил частотада учраган, аммо иккинчи даражали варикоцеле ҳодиса гуруҳида назорат гуруҳидагиларга қараганда сезиларли даражада кўп (мос равишда 18,3% ва 5,7%. Варикоцеленинг 3 даражаси эса нормоспермия гуруҳидагиларда учрамади). Эркаклар репродуктив тизимига зарарли одатлар, тартибсиз жинсий ҳаёт, ортиқча тана вазни, ЖЙБЮК каби қатор омиллар салбий таъсир қилиб, улар орасида варикоцеле етакчи бўлиб қолмоқда ( $p<0,001$ ).

Хавф гуруҳларининг ичидан энг юқори вазнга эга бўлган 11 та хавф омиллари ажратиб олинди (3-расм).



**3-расм. Эркаклар репродуктив саломатлигига таъсир қилувчи етакчи хавф омиллари**

Клиник эпидемиологиянинг аналитик тадқиқот усулларини қўллаш орқали имкониятлар, имкониятлар нисбати ва прогностик кўрсаткичлар ҳисобланди, касалликнинг етакчи хавф омиллари аниқланди ва уларнинг истиқболини аниқлаш ва баҳолаш жадвали ишлаб чиқилди.

Эркаклар бепуштлигини келиб чиқиши ва ривожланишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш асосида бепуштликка чалиниш эҳтимоллиги варикоцеленинг 2 ва 3 даражалари билан касалланганларда 3,9 марта, тартибсиз жинсий ҳаёт олиб борганларда 3,1 марта, эпидемик паротитни бошдан кечирганларда 2,7 марта, узоқ вақт ўтирган ҳолда ишлайдиганларда 2,7 марта, тамаки чекувчи ва спиртли ичимликларни деярли ҳар куни ёки ҳафтада бир неча марта истеъмол қилувчиларда 2,5 марта,

ортикча тана вазнига эга бўлганларда 2,2 марта, ноқулай яшаш шароитида яшайдиганларда 2,2 марта, ҳаво таркибидаги захарли газларн меъёрдан баланд бўлган шароитда ишловчиларда 2,0 марта юқори эканлиги исботланган.

Олинган 11 та ижтимоий-гигиеник ва тиббий-биологик омилларнинг эркаклар бепуштлигига таъсир диапазони 21,9-58,3 чегараларини ташкил қилар экан. Шундай қилиб меъёрий интеграцион (прогностик) кўрсаткич қанча катта бўлса, комплекс олинган омилларнинг таъсир кучи шунча юқори ва унинг акси, прогностик кўрсаткич қанча кичик бўлса, омилларнинг таъсир кучи шунча паст бўлади.

Эркаклар репродуктив саломатлигининг хавф омиллари диапазонлари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Репродуктив саломатлик хавф гуруҳлари ва унинг диапазонлари

Хавфлилик даражаси	Хавфлилик ўлчами	Хавф гуруҳи (истикбол-прогноз)
Хавфнинг энг кичик даражаси	21,9-32,8	Яхши истикболли гуруҳ
Хавфнинг ўртача даражаси	32,9-43,8	Диққатни талаб қиладиган гуруҳ
Хавфнинг энг юқори даражаси	43,9-58,3	Хавфли истикболли гуруҳ.
Хавф чегараси	21,9-58,3	

Юқоридагиларга мос ҳолда истикбол (прогноз) ни 3 гуруҳга бўлдик: яхши истикболли гуруҳ, диққатни талаб қиладиган гуруҳ, ёмон истикболли гуруҳ. Ушбу жадваллардан соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида шифокорлар томонидан фойдаланиш касаллик бошланишидан олдин хавф гуруҳларини аниқлаш ёки касаллик келиб чиққандан сўнг унинг оғирлик даражасига қараб беморларни гуруҳларга ажратиш, улар орасида тизимли ёндашув асосида индивидуал, дифференциаллашган махсус чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Профилактик чора-тадбирлар қуйидаги кетма кетликда олиб борилади.

1. Ушбу жадвал асосида ОШ хизмат кўрсатадиган ҳудудидаги эркакларни (ўсмирларни) тиббий кўриқдан ўтказиш вақтида анамнез маълумотларини йиғади ва жадвалда хавф омилларни белгилаб боради.

2. Хавф омилларининг мавжудлигига қараб мижозларни хавф гуруҳларига: яхши истикболли, диққатни талаб қиладиган ва хавфли истикболли гуруҳларга ажратади.

